



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИНИНГ  
АХБОРОТ ХАТИ**



**«ОЛИЙ ТИББИЙ ТАЪЛИМНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ:  
РАҚАМЛАШТИРИШ ВА СИМУЛЯЦИОН ЎҚИТИШ»**

**мавзусидаги халқаро ўқув – услубий анжуман  
Тошкент шаҳри**

**Ўрнатилган тартиб бўлиб:**  
**Хурматли ҳамкасблар ва ёш олимлар!**

Ўзбекистан Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Тошкент тиббиёт академияси “Олий тиббий таълимнинг ривожланиш тенденцияси: рақамлаштириш ва симуляцион ўқитиш” мавзусидаги 2021 йил 29-30 декабр кунлари бўлиб ўтадиган халқаро ўқув-услубий тиббиёт конференциясида иштирок этишга таклиф қилади.

Халқаро ўқув-услубий конференцияда олий тиббий таълимнинг ривожланиш тенденциясида рақамлаштириш ва симуляцион ўқитишнинг ўрни масалалари кўриб чиқилади.

Анжуманнинг асосий йўналишлари:

1. Терапия йўналиши;
2. Хирургия йўналиши;
3. Тиббий-профилактика йўналиши;
4. Тиббий-биологик йўналиши;
5. Симуляцион ўқитиш;
6. Жамоат саломатлиги ва тиббий информатика;
7. Биотибиёт муҳандислиги йўналиши;
8. Олий хамширалик иши йўналиши;
9. Ижтимоий-гуманитар фанлар йўналиш.

**Расмий тил:** рус тили, ўзбек тили, инглиз тили.

Тезис ва мақолаларни [conference.tma.december@gmail.com](mailto:conference.tma.december@gmail.com) манзилга

**2021 йил 20 декабргача** юборишингизни сўраймиз.

**Маълумот учун +998997020872 телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин.**

Анжуман материаллари мақола ва тезис кўринишида алоҳида тўплам шаклида чоп қилинади.

### **ТЕЗИСГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР:**

Тезислар матни 1 бетдан ошмаган, А4 форматда, шрифт – Times New Roman, шрифт ўлчами – 12, сатрлар орасидаги интервал 1 см, саҳифа параметри чап томондан 3 см, ўнг томондан 1,5 см, юқори ва пастдан 2 см ҳошия қолдириб тайёрланиши лозим. Биринчи қаторида – ишнинг номи (марказдан, бош харфларда), пастида – муаллифлар (марказдан, кичик харфларда, маърузачининг исми ва шарифи белгиланиши лозим), сўнгра пастидан – ташкилот, муассаса, шаҳар номи ёзилиши керак (марказдан, курсив бўйича).

Тезиснинг асосий матни тўртинчи қатордан бошлаб келтирилади.

### **МАҚОЛАГА ҚЎЙИЛГАН ТАЛАБЛАР:**

1. Мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилида қабул қилинади.
2. Мақолада сўнги йилларда чоп этилган энг янги маълумотлар ва ахборотлардан фойдаланилган бўлиши керак.
3. Аввал топширилаётган мақола ҳеч қаерда чоп этилмаган бўлиши керак.
4. Мақола бир вақтнинг ўзида бошқа журналга ҳам чоп этиш учун топширилмаган бўлиши керак.

Мақоланинг умумий ҳажми 3-6 варақдан иборат бўлиб (Times New Roman, шрифт 12, интервал 1.15, юқоридан 2, пастдан 2, чапдан 3, ўнгдан 1.5 см), энг кўпи билан 8 варақгача қабул қилинади. Ҳажми бундан кўп бўлган мақола муаллифлари қўшимча тўлов қилишлари лозим бўлади. Мақолада 1-5 кишидан иборат муаллифлар бўлиши мақсадга мувофиқ. Ҳар бир муаллифнинг исм-фамилияси қисқартирилмаган ҳолатда паспорт бўйича ёзилган бўлиши керак. Ҳар бир муаллифнинг илмий даражаси, лавозими, кафедра номи, ташкилот номи, электрон почтаси, тақдим этишлари сўралади.

Тезис ва мақолалар **рус, ўзбек ва инглиз** тилларида қабул қилинади. Электрон шаклда файл номига биринчи муаллифнинг фамилияси бериледи масалан, Ахмедова. doc. кўринишида тақдим қилиниши лозим.

Келтирилган илмий ишлардаги грамматик ва стилистик хатоликлар, шунингдек, иш мазмуни учун шахсан муаллифлар масъул ҳисобланади.

Қўшимча маълумот учун келтирилган ходимларга мурожаат қилишингиз мумкин:

ТТА Ўқув ишлари бўйича проректор:

Шухрат Абдужалилович Боймурадов +998781507801

ТТА Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи:

Шерали Шерикваевич Массавиров +998781507832

ТТА Марказий услубий кенгаш котибаси:

Авезова Гулойим Саттаровна +998997020872